



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan

e-mail: info@uzas.uz

2015-yil 26-iyun №26 (4321)

27 июн — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун

Ҳозирги кунда халқимиз янги ҳаёт, янги жамият қуриш йўлида қандай юксак марраларга эришган бўлса, уларнинг барчасида, ҳеч шубҳасиз, заҳматкаш матбуот аҳлининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Ислом КАРИМОВ

ҲАЁТГА ИШОНЧ, КЕЛАЖАККА УМИД

Кунлар ойларга, ойлар йилларга эврилиб ўтаётган ҳаётимизнинг ҳар бир лаҳзаси тарих саҳифасига муҳрланаверади. Мустақиллигимизнинг 24 йиллик тарихи биз учун ниҳоятда қадрлидир.

Истиқлол йилларида халқимизнинг турмуш фаровонлиги ҳар жihatдан юксалди. Аҳолининг даромади йилдан йилга барқарор ўсаятгани, одамларнинг обод ва фаровон яшаши учун зарур инфратузилмаларнинг кенгайиб бораётгани бунга яққол мисолдир. Мамлакатимизда амалга оширилаётган чуқур ижтимоий-сиёсий ислохотлар маҳиятини таҳлил этиш, одамларимизни янгича фикрлашга, маънавий уйғоқликка чорлаш оммавий ахборот воситалари ходимлари зиммасига улкан масъулият юклайди.

Халқимиз журналистларга ўзгача эҳтиром билан қарайди. Чунки журналистлар уларнинг қалбига, хонадонига маърифат, нурафшонлик олиб киради.

Жараён

Журналистларнинг ана шундай билим ва кўникмаларга эга бўлиши учун бугун юртимизда барча шарт-шароитлар ва имкониятлар мавжуд. Кейинги йилларда Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсири, уларнинг фаолияти самарасини янада ошириш, медиа тармоқларининг ҳуқуқий, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, журналист касбининг мақоми ва нуфузини кўтариш, соҳа ходимларини моддий ва маънавий рағбатлантириш йўлида катта ишлар амалга оширилмоқда.

Ана шундай эътибор ва ғам-ҳўрлик туфайли ҳар йили тажрибали, узок йиллар шу соҳада ишлаб келаётган журналистларга "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист" унвонининг берилиши, "Олтин қалам", "Йилнинг энг фаол журналисти", "Энг азиз, энг улуғ", "Жамият ва мен", "Йилнинг энг фаол ёш журналисти" каби танловлар соҳа ходимларининг меҳнатини қадрлаш ва иқтидорли қаламкашларни юзага чиқаришга омил бўлмоқда.

Эртага 27 июн — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун. Бу кунни ҳамкасбларимиз катта тантана ва кўтаринчилик билан нишонлайди. Бугунги кунда дунё аҳлининг Ўзбекистон эътиборига олиб бораётгани эътиборга лойиқ. Бугун газета-журналлар, теле ва радиодан ташқари интернет журналистикаси ҳам миллий ахборот майдонига тобора мустақам ўрин эгаллаб бормоқда.

Бугунги теъзор ҳаёт журналистдан доимий изланишни талаб қилмоқда. Зеро, журналист нафақат кўрганни, билганини,

Ижтимоий ҳаёт бўлими.



С.МАМБЕТОВ олган сурат

Бўлажак журналистлар.

ЮКСАК ИНТИЛИШЛАР КЎЗГУСИ

Ўзбек миллий матбуотининг тамал тоши қўйилганига, яъни биринчи миллий газетамиз — "Тараққий" чоп этилганига ақинда 100 йил тўлади. Президентимизнинг 1993 йили 24 июндаги "Ўзбекистон Республикаси матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини белгилаш тўғрисида"ги фармони билан, "Тараққий" газетасининг биринчи сони чиққан сана — 27 июн Республика матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини эътиборга олинган. Дарҳақиқат, миллий матбуотимиз илк намуналари "Тараққий" ва унга издош газеталардир. Бу нашрлар XX аср бошларида Ватан озодлиги, миллат тараққиёти йўлида жонини фидо қилган маърифатпарвар болаларимизнинг минбари эди.

Юртимизда кенг нишонланадиган матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини олдиндан журналистикамизнинг тарихий саҳифалари, матбуотимиз асосчиларининг фаолияти ҳақида эслаб ўтишни жоиз топдик. Матбуотимизнинг жонкуяр тадқиқотчиларидан бири, таниқли олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Бойбўта Дўстқораев билан суҳбатимиз ана шу мавзуда бўлди.

Давоми иккинчи саҳифада.

ЭЛ ОРАСИДАГИ ОДАМ

Яқинда бир китоб муҳлиси билан танишдим. Зарур китобларни эринмай ахтариб, мутолаа қилиб юраркан. У таниқли публицист адиб Алиназар Эгамназаровнинг "Оқловдан сўнг" деб номланган асари ҳақида эшитганларини айтиб, "Шу китобни топа олмаёяман. Илтимос, муаллифнинг ўзидан бўлса ҳам, олиб

бор амин бўлдим. Фидойи олим тимсолида акс этган бутун бир давр. Унда собиқ мустабид тузум халқимиз бошига солган кулфатлар фактлар тили билан содда ва ишонарли баён қилиб берилганки, ўнлаб романлардан топа олмайдиган ҳаёт ҳақиқатлари шундоқ буй кўрсатиб тургандай. Шўро тузуми халқни ортидан эргаштириши мумкин бўлган барча илмий, зиёли одамлардан ҳамиша шубҳаланиб яшаган. Шу тариқа миллатни ичидан бўлиб, мустабидлик умрини узайтириш учун замин ҳозирлаган. Бир даврда "Абдулла Қодирий улуғ ёзувчи, уни нотўғри қамашди", дегани учун ўн йил қамок ва яна беш йил сургун, сарсон-саргардонлик азобларига дучор қилинган Тўхтасин Жалолов қисмати ўрганаркан, муаллиф бу фидойи олим ҳаёти ва ижодига доир барча тафсилотларни манбалар асосида таҳлил қилиб, уни ўқувчига содда ва самимий тилда тасвир этиб берган.

Давоми иккинчи саҳифада.

Матбуотимиз фидойилари

ўқишга ёрдам беринг", деб қолди. Мен муаллифга қўнғироқ қилиб китобни олдим у илгари ўқиган бўлсам-да, муҳлис келгунга қадар яна бир варақча, очеркларни қайта кўздан кечирдим. Негаки, яхши китобни қанча ўқисангиз ҳам унинг саҳифаларидан ҳар гал янги-янги фазилатлар топасиз. Таниқли адабиётшунос олим Тўхтасин Жалоловнинг мураккаб тақдирига бағишланган мақолани қайтадан мутолаа қиларканман, бу фикрга яна бир

26 июн — Халқаро гиёҳвандликка қарши курашиш кун

ДУНЁНИ ЎЙЛАНТИРАЁТГАН МУАММО

"Бу хасталикка чалинган кишининг келажаги нурсиз. У ўзини, ўзлигини йўқотди. Аввало, саломатлиги, ёру бироқларлари, оиласидан ажралди. Шунда беихтиёр ушбу захри одам фақат ўзинигина эмас, атрофдагиларини, яқин қариндош-уруғларини, фарзандларини ҳам қийнайди. Улардан тузилган ногирон болалар бир умр азоб-уқубатда яшайди. Ушбу гирдобга тушган киши турли хил жиноятларга қўл уради".

Миллий хавфсизлик хизмати ва мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан наркобизнесга қарши кураш тадбири доирасида кўрсатилган видеотасвирдаги лавҳаларни кўриш жараёнида айтилган ушбу гаплар ҳар қандай кишини чуқур ўйга толдиради. Ушбу ҳужжатли филмда намойиш қилинаётган гиёҳвандга айланган инсоннинг аяқли қисмати ҳеч

кимни бефарқ қолдирмайди. Гиёҳвандга айланган ота ёки онадан туғилган бегуноқ фарзандларнинг аяқли тақдири сизни астойдил безовта қилади. Айниқса, ўсмир йигит ва қизларнинг бу гирдобга тушиб қолаётгани таассуф уйғотади. Шунда беихтиёр ушбу захри қотилни етиштираётган ва саврофдагиларини, яқин қариндош-уруғларини, фарзандларини ҳам қийнайди. Улардан тузилган ногирон болалар бир умр азоб-уқубатда яшайди. Ушбу гирдобга тушган киши турли хил жиноятларга қўл уради".

— Гиёҳвандлик том маънода оғи узун иллат. Унинг тузоғига қанча кўп киши илинса, уни тайёрловчи ва тарқатувчи кишилар чўнтагига шунча кўп пул тушади, — дейди Ички ишлар вазирлиги инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси оммавий ахборот воситалари билан алоқа бўлими бошлиғи, полковник Зикрилла Неъматов. — Зеро, ўткир хавфли касалликлар билан хас-

таланадиганлар ҳам, юқувчи вилруси ташувчилар ҳам гиёҳвандлар ҳисобланади. Афсуски, гиёҳвандлик воситаларини етиштиришда жаҳонда биринчи ўринда турадиган Афғонистон билан чегарадошлик Ўзбекистондаги нарковазиятга салбий таъсир кўрсатмоқда. Чунки афгон наркотиклари Ўзбекистон ҳудудига, асосан, Тожикистон, Қирғизистон, шунингдек, Амударё орқали бевосита Сурхондарё вилоятига, жануби-шарқда Самарқанд ва Сирдарё вилоятларига, шимоли-шарқда Фарғона водийси ва Тошкент вилоятига кириб келади. Шу боис бугунги кунда Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан трансмиллий наркогурўларнинг ғайриқонуний фаолиятига чек қўйиш, контрабанда каналларини тўсиш, гиёҳванд модда етиштириладиган экинларини йўқ қилиш ва умуман гиёҳвандликнинг таг-туғи билан олдини олиш бўйича махсус тадбирлар мажмуи амалга оширилмоқда.

Кун кеча Ўзбекистон Республикаси ҳукумати топшириғига кўра, Миллий хавфсизлик хизмати ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан 1,400 тонна гиёҳвандлик воситаларини йўқ қилиш тадбири ўтказилди. Айтиш мумкинки, 1994 йилдан буён Ўзбекистон томонидан 54 тонна гиёҳвандлик моддаси махсус печларда ёқиш йўли билан БМТ, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида йўқ қилинди.

Дарҳақиқат, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши кураш, унинг тарқалиши устидан назоратни кучайтириш борасида Ўзбекистон зиммасига олаётган халқаро мажбуриятлар изчил бажарилаётгани туфайли айни пайтда диспансер ҳисобида турган гиёҳванд беморлар сони 1353 тага, 18-19 ёшли шундай беморлар сони кескин, яъни 7,2 баробарга камайган.

Мақолаимиз сўнггида яна ўша филмда айтилган ушбу даъват

ни келтирамиз: "Биз спорт билан шуғулланамиз. Ахир ҳаёт бир марта берилади. Оилангизни, дўстларингизни, соғлигингизни гиёҳванд моддаларга алмаштирманг. Агар ўғлингиз бир умрга ногирон ва нотаъсон бўлмасин, қизингиз айбдор ва абгор бўлиб қолмасин, невараларингиз мажруҳ бўлиб туғилмасин десангиз, ҳозирнинг ўзидаёқ сергак торинг: ўғлингиз ҳозир қаерда, ким билан эди ва нега кеч қайтди? Қизингиз балоғат ёшида — унинг дўстлари ким, кимларга тақлид қилаёпти, кимларга ҳавас қилаёпти? Фарзандингизнинг чўнтагига пул қаердан пайдо бўлди? Бу пуллари у нима-ларга сарфлаяпти, қандай кинофилмлар кўраяпти?.. Огоҳ бўлинг! Ҳаётимизнинг гулу лолалари — келажагимиз бўлиши ёшларнинг баркамол авлод бўлиб вояга етишишлари сизу бизнинг қўлимизда!"

Барно СУЛТОНОВА,
"Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси махсус муҳбири

ЮКСАК ИНТИЛИШЛАР КЎЗГУСИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

— Устоз, биламизки, бугун юртимизда кенг нишонланаётган оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини белгилашда “Тараққий” газетасининг илк сони чиққан сана асос қилиб олинган. Лекин унга ҳам юртимизда ўзбек тилида газета чиқиш тургани тарихдан маълум. Сиз миллий матбуотимизнинг пайдо бўлиш омиллари, шаклланиш ва ривожланиш босқичларини чуқур ўргандингиз, бу борада салмоқли ишларни амалга оширдиган. Бошқа нашрлардан фарқи ўлароқ, “Тараққий” ва унга издос газеталарнинг миллий журналистикасининг тарихидаги ўрни, аҳаияти ҳақида гапириб берсангиз.

— Дарҳақиқат, журналистика тарихига назар солсак, “Нега айнан “Тараққий” газетасини ўзбек матбуотининг илк намунаси сифатида кўрсатамиз?”, деган савол туғилади. Чунки бу газетага ҳам Туркистонда 1870 йилдан “Туркистон вилоятининг газети” чиқиш турар, унда маҳаллий зиёлиларимиз ҳам мақолалари билан қатнашиб туришар эди. Лекин бу газета устамлака бўлган халқнинг устидан ҳукмронлигини янада кучайтириш мақсадида ташкил қилинган, чор ҳукуматининг манфаатларини кўзлаб чиқариш эди.



Рус маъмурилари маҳаллий аҳолини газета чиқаришларидан қаттиқ хавфсизларди. Улар халқнинг миллий онги уйғониб, ўз ҳолатини англаб етиши ва натижада миллий озодлик ҳаракатига отланишидан ҳадиксирарди. Маҳаллий зиёлиларни чалғитиш мақсадида 1906 йилнинг январда ўзларининг содиқ хизматкори Иван Геер муҳаррирлигида ўзбек тилида “Ўрта Осиёнинг муғузсаронлиги. Тараққий” номи газета ташкил қилиб, гўё бу билан маҳаллий аҳоли манфаатларини ҳимоя этувчи газета юзага келди, деган тасаввур уйғотмоқчи бўлдилар. Лекин тез орада маълум бўлдики, у ҳам Туркистон губернаторлигининг расмий газетаси “Туркистон вилоятининг газети”дан фарқ қилмасди.

Маҳаллий халқ орасида муштарийси қолмаган, обрўси тушиб кетган бу газета 1906 йилнинг апрелига бориб тўхтади. Шу вазиятдан зиёлиларимиз усталик билан фойдаланадилар. Хусусан, Мунавварқори мазкур газетанинг моддий-техник асосида маҳаллий аҳолининг манфаатларини ҳимоя қила оладиган даврий нашрга эга бўлиш учун қаттиқ ҳаракат қилади. Мунавварқорининг саъй-ҳаракатлари билан маҳаллий тилни яхши биладиган, айни пайтда рус тилида ҳам бемалол гапладиган оладиган Исмомид Обидий “Тараққий” газетасига муҳаррирликка таълиф қилинади. Бу тараққийпарвар зиёлиларимиз чиқарган илк газета эди.

“Тараққий” дастлабки сонлариданок маҳаллий аҳолига чор мустамлакачиларни сиёсатининг моҳиятини, миллий зулм, мустабиблик нима эканлигини, озодлик қанчалик буюк неъматлигини англатишга ҳаракат қилди, мусулмонларни жаҳолат ботқоқидан олиб чиқишга даъват этувчи материаллар берди. Тез орада газета маҳаллий халқ орасида катта обрўга эга бўлди.

Шуниси борки, матбуотнинг қудратли кучга эгалигига қаттиқ ишонч ҳосил қилган маҳаллий зиёлиларни энди газета чиқаришдан тўхтаб бўлмасди: миллий уйғониш содир бўлганди. “Тараққий” газетаси ҳукумат томонидан ёпилаб, 1906 йилнинг сентябрида Мунавварқори “Хуршид” газетасини чиқаришга муваффақ бўлди. Бу маҳаллий зиёлиларимиз томонидан чиқарилган иккинчи газета эди.

“Хуршид” газетаси ҳам, ундан кейин чиққан “Шуҳрат”, “Осиё”, “Тужор” газеталари ҳам тез орада ҳукумат томонидан ёпилади.

Миллий матбуотимизнинг илк қалдирғочлари — “Тараққий” ва унга маслаҳатдош бўлган газеталар маърифат орқали миллиятни уйғонишга, тараққиётга ундадилар. Гарчи улар фаолияти қисқа фурсатда тўхталган бўлса-да, маҳаллий аҳоли вакиллари газета чиқариш малакасини эгаллаб, матбуотнинг кучли мафкуравий қурол эканига, бу борада қатъий ва изчил ҳаракат қилиш лозимлигига қатъий ишонч ҳосил қилдилар. Бу эса миллий журналистикамиз ривожига катта аҳамиятга эга бўлди.

“Тараққий” газетаси миллий матбуотимизнинг илк наشري ҳамда Ватанимиз равнақи, миллиятини бахти йўлида курашганларнинг илк минбари бўлгани учун ҳам ушбу нашр биринчи сони чиққан санани нишонлашга қўласак арзийди.

— Демак, ўзбек матбуоти босиб ўтган бир асри тарихий тараққиёт йўли осон кечмаган. Сизнинг “Ўзбекистон журналистикаси тарихи” китобингизда ўша даврдаги тўсиқ ва таъқиқлар батафсил ёритилган. Тарихнинг таҳликали, оғир шароитида таъқибу таъқиқлар остида фаолият юритган зиёлилар, фидойи матбуотчилар, журналистлар, уларнинг фаолияти ҳақида қисқача маълумот берсангиз.

— Дарҳақиқат, миллий нашрлар юзага келган кунданок уларнинг йўлига тўсиқ қўйилди. Жумладан, “Тараққий”нинг илк сонлари чиқиши ҳамон “Туркистон вилоятининг газети” унга қарши чиқди. Бу эса, мустабиблик билан озодлик курашига отланган маҳаллий аҳоли вакиллари орасидagi муроасасиз ҳаракатни акс эттирувчи мафкуравий тўқнашув эди. “Туркистон вилоятининг газети” муҳаррири Н.Остроумов бу курашда маҳаллий аҳолининг айрим вакиллари ишга солиди, газетасида танқидий мақолалар бериб, Мунавварқорига, умуман, “тараққий”чиларга қарши айрим уламо, мударрис, талабаларни, халқни гиж-гиллади. Ушбу газетада “Бир мулла” ёки “Бир муллаваҳча”, “Бир мадрасада истикомат қилгувчи” қабиляр тилидан ўндан ортик мақола “Тараққий” ва унинг муҳаррири Исмомид Обидий-

га қарши эълон қилинди. Натижада, 21 августда “Тараққий” газетаси муҳарририятига полициячилар бостириб киришиб, газетанинг тайёрланаётган навбатдаги сони мусодара этилди, муҳаррир И.Обидий қамоққа олинди. Кейинги чиққан нашрлар муҳаррирлари Мунавварқори, Абдулла Авлоний ёки 1913-1914 йилларда газеталар чоп этган Махмудхўжа Бехбудий, Убайдулла Асадуллахўжаев сингари муҳаррирлар ва улар билан бирга фаолият юритган журналистлар ҳам таъйиқ таъқиқлар остида фаолият юритишган. Шўро ҳукумати даврида журналистлик фаолияти билан шуғулланган зиёлилар ҳаёти ҳам енгил кечмади. 1920 йилларда уларга қўйилган айрим айблар кейинчалик қатагон даврида “иш берди”. Умуман олганда, матбуотимизнинг бир асрлик тарихини миллиятимизнинг асл фарзандлари чеккан захмату фидойиликлар, орзу-армонлар кўзгуси, дейиш мумкин.

— Сиз кўп йиллар журналист кадрлар тайёрлашдек масъулиятли жараёнда фаолият кўрсатиб, талабаларга миллий матбуотимиз тарихидан сабоқ чиқариб олиш, замонавий журналистиканинг илгор тамойилларини ўргатишда кўмаклашиб келасиз. Айтингчи, бугунги ўзбек журналистикасини унинг ўтмиши билан қиёслаганда қандай хулосаларга келасиз? Ўзбек журналистикаси ривожини таъминлашда матбуот, умуман, оммавий ахборот воситалари, уларнинг ходимлари олдидаги айни пайтда долзарб бўлиб турган вазифалар нималардан иборат?

— Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини қўлга киритгач, ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳалари қатори оммавий ахборот воситалари тизими юзага келди. Уларнинг сони мисли кўрилмаган даражада ошди. Нодавлат, мустақил, тармоқ, реклама йўсинидаги студиялар, газета ва журналлар юзага келди.

Мухими, ижодкорнинг кадр-қиммати ошди. Эркин фикрлаш ва фикр айтиш учун йўл очилди. Журналист дунёқараши ўзгарди. Дунёда бўлаётган воқеалардан хабардор, хорижий тилларни яхши биладиган, компьютер технологиялари билан қуролланган журналистларнинг янги авлоди воёга етди.

Ахборот глобallaшуви жадаллашган ва ахборот коммуникациялари фавқулодда шитоб билан ривожланиб бораётган бугунги кунда журналист олдида қўйиладиган вазифалар давр билан ҳамқадам бўлиши ва янада кенг микёсли, тезкор ҳаракатни тақозо этмоқда. Бугун журналистларимиз олдида юртимизда кечаётган ислохотлар жараёни ҳақида халқимизни кенг хабардор қилиш, даврнинг муҳим ўзгариш ва янгиланишларини кўрсатиб бериш, дунёда содир бўлаётган воқеаларга тез ва ҳолис муносабат билдириш, ёш авлоднинг онгию қалбини ёт таъсирлардан асраш каби долзарб вазифалар турибди.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, “...сиёсат ҳақида гапирганда сиёсатчи, иқтисодиёт ҳақида гапирганда иқтисодчи бўлиб фикр юритишни, маънавият ва маърифат ҳақида маърифатчи, ҳаётий-фалсафий муаммолар хусусида файласуф бўлиб баҳсга киришишни — мана шундай юксак қобилият ва маҳоратга эга бўлишни ҳаётнинг ўзи журналистларимиз олдида энг муҳим вазифа қилиб қўймоқда”.

Ўйлаيمانки, боболаримиз орзу қилган бугунги давр фарзандлари ҳам ўз аждодларига муносиб бўлиб, Ватан ва халқ олдидаги бурчларини оғишмасдан адо этишади.

Нилуфар НАМОЗОВА
суҳбатлашди.

Ёзувчилар уюшмасида «Истеъдод мактаби» VII семинарининг Тошкент шаҳри ва вилояти бўйича минтақавий босқичи бўлиб ўтди. Унда йигирмага яқин

Истеъдод мактаби

ёш ижодкорнинг «Биринчи китоби» лойиҳаси бўйича тақдим этган ижод намуналари қўриб чиқилди.

Семинарни Ўзбекистон Ёзув-

насл, бадий публицистика йўналишларидаги ижодий машқлари ҳақида Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон, адабиётшунос олим Сувои Мели, ёзувчилар Абдуқаюм Йўлдошев ва Рисолат Хайдарова, публицист Сайди Умиров, шоирлар Мунаввара Усмонова ва Рустам Мусурмон сингари ижодкорлар ҳолисона фикр-мулоҳаза билдирдилар. Тадбир доирасида мушоира ўтказилди.

ЁШЛАР АНЖУМАНИ

чилар уюшмаси раиси, халқ ёзувчиси Муҳаммад Али очди.

— Жаҳоннинг турли мамлакатларидан ўзбекистонлик ёшлар эришаётган ғалабалар ҳақида хушхабарлар келиши оддий воқеа бўлиб қолди, — деди адиб. — Кўз ўнгимизда бугунги улғувор ишларимизнинг давомчилири бўлган янги авлод воёга етмоқда. Ана шундай масъулиятли даврда биз, ижодкорлар ўз фаолиятимизни янада кенгайтириб, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида қалам тебратаятган иқтидор эгалари, истеъдодларни излаб топишга эътибор қаратяёмиз.

Семинарни Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо олиб борди. Ёш ижодкорларнинг назм,

— Анжуманда бадий публицистика йўналиши бўйича иштирок этдим, — дейди Ҳамид Усмонова. — Бир қатор мақолаларим марказий нашрларда эълон қилинган. Ҳақиқатан ҳам истеъдодли ёшлар жамлаганига амин бўлдим. Тенгдошларим билан танишиб, фикр алмашдим, бадий адабиёт, ижод ҳақидаги тасаввурларим кенгайди.

Иқтидорли ёшлар “Истеъдод мактаби” VII республика семинарига йўлланма олдилар. Барча иштирокчилар Ёзувчилар уюшмаси ва “Ижод” фонди томонидан китоблар жамланмиси ва эсдалик совғалар билан тақдирландилар.

Ахборот хизмати

Бошланиши биринчи саҳифада.

Очеркдан маълум бўлишича, Тўхтасин Жалолов узоқ сарсон-саргардонликлардан сўнг ниҳоят иш фаолиятини бошлаганда энг аввал “Ўзбек шоирлари” китобини ёзади ва кўлэзмани ўқиб фикр билдириши учун устоз Ойбекка мурожаат қилади. Ойбек домла бир ҳафтадаёқ уни ўқиб, фазилатлари ва тузатиш мумкин бўлган айрим камчиликларини кўрсатиб бераётди, “Сиз энди роман ёзинг, Тўхтасин”, деган эканлар. Тўхтасин ака: “Роман?”, дея таажубланганда Ойбек: “Ҳа, роман ёзинг! Албатта, ёзинг!”, дейди. “Нимани ёзай, Ойбек ака?” деганда эса, “Ўзингизни ёзинг, ўзингиз ёзилмаган романсиз...”, дейдилар.

А.Эгамназаровнинг ушбу ки-

ЭЛ ОРАСИДАГИ ОДАМ

тобига унинг аввалги китобларида босилган, шунингдек, “Шарқ юлдузи” журнали саҳифалари орқали ўз вақтида

эълон қилиб борилган ўнлаб сара очерк ва публицистик асарлар жамланганки, уларнинг ҳар бири, Ойбек домла лутф этганидек, бутун бир романинг мавзуси, дейсиз. Уларда, ҳеч бир муболагасиз, йирик бир асарнинг кучи бор. Масалан, “Беш жангчининг онаси” очерки қаҳрамони Зулфия ая Зокировани олинг, ёхуд

“Сургун” ҳужжатли қиссаси қаҳрамонларидан Алишер Шодмонов, ака-ука Амириллохон ва Абдулҳамидхон Амурсаидовлар, ноҳақ айблов билан отиб ўлдирилган Карим Абдуллаев ва яна ўнлаб тугилиб ўсган юртидан бадарга қилинган кишиларнинг аянчли қисмати ва фожиаси акс этган ҳужжатли қисса ва бошқа публицистик асарлар муъаллифнинг қаҳрамон таллашдаги ўзига хос услубини, публицистнинг ижтимоий бурчини нечоғли теран англашини яққол ифода этиб турибди. Алиназар акадан журналистлик касбини таллашнингизга нима сабаб бўлган, деб сўрасангиз шундай жавоб беради:

— Акам ўтган асрнинг эллигинчи йиллари тарғибот ва ташвиқот ишлари бўйича бўлим мудири бўлганлар. Ҳар кун ишдан қайтганида сандал четиде ўтириб, шахсга сиғинишга доир воқеаларни отамга гапириб берадирлар. Отам акамнинг сўзларини тинглаб, қаттиқ ҳаяжонланар ва беш ой айбсиз қамоқда ўтириб кўрган азобларни, ўзи билан бир камерада ётган, ҳеч бир гуноҳи бўлмаган кишиларнинг тақдир ҳақида сўзлардилар... Мен 14-15 яшар ўсмир бола отам ва акамнинг ҳикояларини жимгина тинглаб, келгусида журналист бўламанда, отамнинг шу ҳикояларини ёзиб китоб қиламан, деб орзу қилардим...

Алиназар ака бу ниятини тўқис рўёбга чиқариш учун 1964 йили ҳозирги Миллий университетимиз журналистика бўлимини имтиёзли диплом билан битириб, йигирма йилдан кўпроқ матбуотимиз “қозонида қайнаб” пишди. Аввал “Сирдарё ҳақиқати”, сўнг “Тошкент оқшом” газеталарида катта бўлимларни бошқариб, обдон қаламини чархлади, ўткир публицистик чиқишлари билан яхши ном қозонди. “Шарқ юлдузи” журна-ли бадий публицистика бўлимини бошқарган йиллари собиқ мустабид тузум жабрдий-далари бўлган кўплаб тарихий шахсларнинг ҳаётини тадқиқ этиб, уларнинг фожиали тақдирлари мисолида халқимизни мустақилликка руҳан тайёрлаш, ўсиб келаётган ёш авлодларини қалбига истиқлол соғинчларини олиб киришга ўз ҳиссаси-

“Қайнонам ҳамиша мен билан бирга яшаганлар, — деди Мамажоннинг рафиқаси Хидоят Холматова. — Ўғиллари дом-дараксиз кетгач, у киши қаттиқ куйди. Лекин бунини сездирмасликка ҳаракат қилардилар. Келинларимнинг ўз ташвиши ўзига етарли, яна уларни кўз ёшим билан эзиб нима қиламан, деган бўлсалар керак-да. Раҳматли хушёр, сезгир аёл, эсли кампир эдилар. Лекин биз унинг куйиб, жизганак бўлаётганини сезиб турардик, қандай бўлмасин кўнглини кўтаришга, тасалли беришга ҳаракат қилардик... Ярим кечаси ҳовлини айланиб, ўғилларининг номларини бирма-бир айтиб йиғилаб юрганларини уч-тўрт мар-



ҳақидаги бу очеркни ўқиганлар беихтиёр урушдан қайтмаган отаю тоғаларни, жангоҳлардан майиб-мажруҳ бўлиб келган эрларига далда бўлиб, рўзгорнинг барча оғирлигини бўйнига ола билан янгаларни эсламаслиги мумкин эмас.

Алиназар ака жафокаш халқимизнинг асл сийратини шу сингари очерклари қаҳрамонлари тимсолида кўрсатишнинг ўзи билан чекланмади. Қаҳрамони номини абадийлаштириш учун ҳам елиб-юғурди. Хонабод кишлоғидаги ўрта мактаб, онахон яшаган маҳалла ва кишлоқнинг бир кўчаси Зулфия Зокирова номи билан аталishiга эришди. Негаки, истиқлолга қадар бундай жафокаш оналаримиз хотирасига зарур даражада эътибор қаратилмасдан келинларди. Истиқлол йилларида пойтахтимиз ва барча вилоят марказларида Юртбошимиз ташаббуси билан барпо этилган “Мотамсаро она” ҳайкаллари Зулфия Зокирова сингари минглаб ўзбек оналарининг меъти қалби, буюк жасоратларини авлодлар хотирасида абадий ғавдалантириб турганлиги ҳам озодликка ташна халқимизнинг маънавий эҳтиёжларини муаллиф нечоғли вақтида теран идрок эта олганидан далолатдир.

Эл орасида индамайгина ўз ишини ҳалол бажариб, бутун ҳаёти, аъмоли билан мардлик ва эзгулик тимсоли бўлиб яшаётган инсонлар кўп. Таниқли адибимиз, фидойи журналист Алиназар Эгамназаров сиймосида ҳам шундай мард ва олижаноб инсонлар тимсолини кўрамиз.

Алиназар ака Ёзувчилар уюшмаси аъзоси. Миллий матбуотимиздаги самарали меҳнатлари учун “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими” унвони, “Меҳнат шўхрати” ордени билан тақдирланган. “Оқловдан сўнг” китоби “Ватан учун яшайлик” танлови мукофотига сазовор бўлиб, кўплаб китоблари “Шаҳидлар хотираси” музейига қўйилган. “Қувноқ муҳбир саргузаштлари” ва бошқа китоблари, очерк ва ҳикоялар, бадий таржималари билан ҳамон ижодий жараёнда фаол иштирок этиб келмоқда. Миллий матбуотимиз байрами арафасида кўлаб ёш журналистларнинг меҳрибон устози, моҳир публицист адибимизга узоқ умр, сийхат-саломатлик тиллаб, эл-юрт орасида топган иззату мартабанигиз янада зиёда бўлсин, деймиз.

Мурод АБДУЛЛАЕВ

УЛУҒ ОҚИН ХОТИРАСИ

Тошкентдаги республика Байналмилал марказида Ёзувчилар уюшмаси ва Байналмилал марказ ҳамкорлигида улуғ қозоқ шоири Абай Қўнонбоев таваллудининг 170 йиллиги муносабати билан қозоқ тилида ижод қилувчи шоирлар мушоираси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Муҳаммад Али, Байналмилал марказ раиси Насриддин Муҳаммадиев, шоир ва адиблар Носир Фозилов, Қалдибек Сейданов, Ме-

кембой Умаров, Бахитхўжа Рустамов, Остона ва Чимкентдан ташриф буюрган меҳмонлар сўзга чиқиб, мушоира қатнашчиларини мувоваққат эттишди. Мушоира якунида ҳакамлар ҳайъати ғолиб ва фаол иштирок этган шоирларнинг номларини эълон қилди. Шоира Акшагул Тўлегенова бош со-вринга, Наврўзбой Жарбўсин ўғли, Пўлат Қазимбеков ва Лола Жунис қизи, Тўрабек Сарсенбоев, Қорахон Жўраев, Абдулла Рустемов биринчи, иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашга муяссар бўлдилар.

Академик Бахтиёр Назаров, шоир ва таржимон Мирпўлат Мирзо, “Нури жўл” газетаси бош муҳаррири Ғуломзокир Юсупов, халқаро танловлар ғолиби Женесбек Пиёзов, жиров Жумабек Пиёзов, шунингдек, “Тошкент арварли” рақс ансамбли рақосалари дил сўзлари ва куй-қўшиқлари билан Абай руҳини шод этган мушоира ғолибларини самимий қутладилар.

Тадбир

Журналларни варақлаганда

“ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ”,

2015 йил, 2-сон

Журналнинг навбатдаги сони “Демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлидан” сарлавҳали бош мақола билан очилади. Зойир Мирзаев, Муҳиддин Эсанов, Азиз Абдуҳақимов, Темурбек Аметов, Эркинбой Абдуллаев каби муаллифларнинг шу мавзудаги мақолалари демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган.


Подполковник Камол Усмоновнинг “Юксак маънавият — енгилмас куч” руқнидаги мақоласи ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг аҳолий жиҳатлари мавзусида. Муаллиф файласуфларнинг “Жасорат юксак кадрланадиган ва қўрқоқлар қаттиқ жазоланадиган давлат — энг қудратли давлат”, деган нуктаи назаридан келиб чиқиб, инсоннинг ўз юрти билан гурурланиши уни ёмон кўзлардан, ёмон ниятлардан асраш учун чинакам жасорат кўрсатишга даъват этишини таъкидлайди.

Очил Бўриев ва Шерзод Искандаровларнинг “Тарих саҳифаларида” руқнидаги мақоласида Соҳибқирон Амир Темурнинг Туркистон саййидларига қилган ҳомийликлари хусусида сўз юритилади. “Амир Темур 1399 йилда Ҳиндистон юришидан ҳамда 1404 йилда Фарб юришидан қайтишда Термиздаги қадамжоларни, саййидларни, Ҳаким Термизий, Абу Бакр Варроқ макбараларини зиёрат қилган. Абул Маоллийнинг ўғли Ало ал-Мулкнинг хонадонидида тўхтаб ўтган”, деб ёзади муаллифлар.

И.Исmoilов, К.Алибекованинг “Инсон ва ҳуқуқ” руқнида берилган мақоласида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг миллий тизими ҳақида сўз боради. “Назария масалалари”, “Хорижий давлатлар ҳуқуқи”, “Анжуманлар, тадбирлар, тақдимотлар” руқлари остида ҳам қизиқарли мақола ва хабарлар чоп этилган.



Сирожиiddин РОБИДОВ



ГУЛЛАЁТГАН СЎЗ

Шеър — кўнгил кўзида гуллаган сўз. Бир сўзки, садосида сабр, сукутида нидо бор. Бу сўз муҳаббат меҳробидан таралган нур. Нур эса изидан эргаштиргувчи ранг. Тандирдан янги узилган нонни на кўлда, на оғизда тутиб бўлади. У жисму жонингни куйдиради. Аммо ҳузурбахш, тотли куйиш. Чунки иссиқ ноннинг исиди жаннатнинг мушки бор.

Яхши шеър кўнгилдан кўнгилга тушган олов. Вале оромли олов. Ошиқ дил шеърдан ўз дардига малҳам топса, унда мастоналик содир бўлади. Ким нимаки ахтарса, топса — шу дамдан ундан бахтли инсон йўқ. Ташбеҳи товланиб турган шеър ҳам аслида ўқувчи учун ана шундай азиз топилма.


Мен сизларга сўз гулшанидан гул узмоқни ихтиёр этаётган, сўлим Паркентнинг пурвиқор тоғлари бағрида, оппоқ ҳаёллар оғушида камол топаётган икки ёш шоирнинг таништиргим келди.

Сирожиiddин Робидов 1994 йилда бодомлар тошиб-кўприб гуллайдиган Сўқоқ қишлоғида, Рустам Маликов Бобур ҳазратларига ором улашган Паркент тупроғида 1997 йилда туғилган. Ҳар икки йигитча шу даражада камтарин, камсуқумки, суҳбатда сўзини аранг эшита-сиз. Лекин сатрлари садоли. қуруқ садо эмас, маънолар, оҳанглар охори бор уларда. Мен уларни кўкларга кўтариш фикридан йироқман. Улар ўзлари ҳаёлида кашф этган дарёларга талпинаётган ирмоқлар. Бу ирмоқлар йўлида сўзлардан сочган талайгина тилсимлар бор. Тилсим бағрини эса тафаккур нуригина, муҳаббат нуригина тила олади. Кимки шоирликдан шараф излабди, демек шошиб қолибди. Ота-боболаримиз шошганлар ҳеч нарсага ёлчмаслигини кўп бор таъкидлашган.

Бир сўз билан айтганда, Сирожиiddин ва Рустам осон йўлни танлаган. Мен уларга меҳр ва ишонч билан оқ йўл тиламоқчиман.

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

Рустам МАЛИКОВ



СОҒИНЧ

Эсимда, аёзли қишнинг тунида Лайлакқор тўзиган пардек еларди. Ҳар кеча изғирин шамол бағрида Совуқда отамлар ишдан келарди.

Нур томиб турувчи гулгун юзидан Совуқнинг азоби кетарди ўтиб, Эшик очардилар тўлиб шодликка, Титроқ кўллариди бир жуфт нон тутиб.

Ўзи юрганда ҳам ранж-заҳмат чекиб, Болам, деб азобга чидаб яшаркан. Ушанда бир бора англамабман ҳеч — Отам фариштага жуда ўхшаркан.

Сизни соғинаман, бир зум кўрсаман, Юракдан соғинчлар кетмайди энди. Менинг кўларимга ноллар ушатган Қадок қўлингизни силасам эди.

ЁМФИР

Соғинчларим ювсайди ёмғир Чертса эди қалбим торини. Кечмишлари қанчалар оғир, Юрагимнинг соғинч зорини.

Тарқалсайди бир қуюқ туман, Соғинч кўкни кетсайди босиб. Чуваланган ўйларим билан, Висол бизга бўлсайди насиб.

Нигоҳингга чўқсайди кўзим, Қароғингдан меҳр олгани. Дийдорингга тўйиб бир куним, Армон бўлсин майли қолгани.

ҚИШЛОҚҚА ХАТ

Сабабсиз бир тола соч бошдан учмас,
Шухрат

Сабабсиз бир тола соч бошдан учмас, Ота, сочларингиз мен тўкмадимми? Сиз ерга эгилиб ниҳол экандай, Мен сиздаги қалбга ғам экмадимми?

Ажинлар тушмайди юзга дафъатдан, Она, хуснингизга доғлар сочган ким? Сизни кўрган қирққа қирган демайди, Кексаликка сизни бевақт сотган ким?

Неларнидир излаб юрдим шаҳарда, Кўнгилни раъйига қаролганим йўқ. Боғни чопишибди сингиллар, мен-чи, Ҳорманг дейишга ҳам боролганим йўқ.

Ҳа, айтгандай олдим, хат ва суратни, Барчаси ўзгарган, боқдим маънос, жим. Ота, сочларингиз мен тўкмадимми, Она, юзингизга доғлар сочган ким?

ХУРДИК

Осмонимсан сен мени,
Ўзинг коинотимсан.
Парвоз этар бўлсам гар,
Ўзинг қўш қанотимсан.

Қалбдан кетмас ҳеч нари,
Қодирининг унлари.
Сен Чўлпоннинг мунари,
Сира сўнмас ёдимсан.

Эй сен, шод кўнгилм миниб,
Бағрида тўймай униб,
Ҳаммадан ҳам қизганиб
Қутган оппоқ отимсан.

Осмонимсан сен менинг,
Ўзинг коинотимсан.
Парвоз этар бўлсам гар —
Ўзинг қўш қанотимсан.

СЕВАМАН

Мен сени ўйлайман, эй, қушим,
Йиғлаб туриб, қулиб туриб ҳам.
Хатто сени жондан севишим
Истамайсан, билиб туриб ҳам,
Мен сени севаман барибир.

Осмонларда тўлганида моҳ,
Кўк бағрига иламан нигоҳ,
Ўз юлдузим топиб мен шу чоғ,
Ойдай порлоқ, қуёшдай қайноқ
Мен сени севаман барибир.

Рўмол сочинг ўпиб, ўраган,
Ундан бахтли бормикан гулим.

Эркалаб юзингни силаган,
Шамолдай шод бўлмади қўлим.
Мен сени севаман барибир.

Анҳорда, ялпизлар — шўҳ қизлар,
Қиқрлашар, бағримни тилиб.
Мени кўрса чақнаган кўзлар,
Ўзимники бўлишин билиб,
Мен сени севаман барибир.

БАҲОРЛАР

Бобом армоню момом армони,
Сенинг нигоҳларинг қалбим шудгорлар.
Нурларга тўлдириб еру самони,
Кўзингда жилмаяр қулсанг — баҳорлар.

Дилни қувонтирар капалакдай у,
Қуёш кўкда чизган камалакдай у,
Қалбимда уйғотиб бир ширин орзу,
Сўзингда жилмаяр қулсанг — баҳорлар.

Тонг. Майсага томган қатра дур бўлиб,
Ошиқ дил оҳига бўлбул жүр бўлиб.
Оламини илтидан парча нур бўлиб,
Юзингда жилмаяр қулсанг — баҳорлар.

Баҳор қайда дея, этма бошинг ҳам,
Соғинчдан кипригинг ҳеч бўлмасин нам,
Сен менинг бахтимсан, сен ўзинг қўктам,
Изингда жилмаяр қулсанг — баҳорлар.

Чала қолдирган шеърини тонгда тугаллаб, устидан бир ўқиб кўнгли тўлган шоирдан бахтлироқ одам топилмаса керак. Дамир сўнгги мисрани субҳидамда кашф қилди. Турри, у шоир эмас. Лекин у — ошиқ. Ахир ҳамма ошиқ, шоир, ҳамма шоир ошиқ эмасми? Бу ҳолига туриб-туриб ўзи ҳам ажабланиди, шунчалар девона қилди уни Зулфизарнинг ишқи! Қаердадир ўқигани бор: «ишқ» сўзининг иккинчи маъноси зарпечак бўлиб, бу бошқа ўсимликка чирмашганча унинг ҳисобига яшайдиган ўтнинг номи экан. Айни ҳақиқат! Йигитнинг борлигидаги бор қувватни сўриб, адо қилаётир бу туйғу чирмовиги... Бундай давом этиши мумкин эмас. Яна қанча кутсин, ахир? Бугун шартта нукта қўяди! Сўнгги таътил арафасида туришибди. Уйидагилар масалани кўндаланг қўйишган — шу ёзда уйланиши керак...

— Зулфизар, сизда гапим бор.

Дамир бу сафар овозини баландлатиброқ гапирди. Қиз ҳамон жим, қиртиллатиб саби тўғрайверди. Гўё у йўқдек. Йигитнинг қони гупириб кетди.

— Майли, қарамасангиз қараманг. Лекин мен... бир қарорга келишим керак. Биласиз, ота-онам анчадан буён уйлаймиз, деб қисташади, кўнмайман. Ўзларича қўшни қизни кўзлашяпти. Аммо мен... фақат сизни дейман! Ўша курсдошинг бор қиз бўлса, бугунқ совчиликка жўнаймиз, деб қисташяпти. Бу ёқда энам касал, «тўйингни кўрсам», деб саргайиб ётибди. Биргина сўзингиз, Зулфизар!

Гулчеҳра АСРОНОВА

МАЪЖИЛ АРАФАСИДА

Зулфизарнинг хонасига борди. Талабалар турар жойидаги қўшни хонанинг бу эшигини неча мингичи бор таққиллатишди, лекин ҳар сафар юраги ҳам қўшилиб дуккиллайтиди. Эшикни Нодира очди. Жуда қув қиз-да, салом-аликни ҳам қўйиб, қўлини биғиз қилганча узун йўлакнинг охирига кўрсатди: «Ошхонада!»

Дамир йўлакдан бораркан, ўз кўнглида боляги аҳдини янада пишитди: «Бугун нукта қўяман!»

Ошхонага бурилди-ю, эшик олдида туриб қолди. Бунча сулув бўлмаса бу қиз! Зулфизар ним пушти либосда, эшикка терс ўгирилиб, столга хиёл энгашганча саби керттар, елкасидан то белигача қўнғироқ сочларининг тўлқини ёйилган, ҳар пичоқ урганда зулфининг мавжлари мажнунтол шохлари монанд енгил титраб қўяди... Йигитнинг юраги гу-пирлаб ура кетди. Кўнғил қўши кўксидан «пир» этиб учиб чиқди-ю, зар қокиллар тўлқинига гарқ бўлди...

Отини билиб қўйишган-да! Лекин ошхонада сочини ёйиб юрадиган одати йўқ эди. Дамирнинг кўзи жингала тутамлар учида осилиб турган майда томчиларга тушди. Ҳа-а, соч ювибди-да...

Бўлди! Ҳозир шундай маҳлиё бўлиб тураверса, боляги жуфтидан асар ҳам қолмайдди. Йигит томоқ қириб олди.

— Зулфизар!

Қиз бепарво, ўгирилганча ишида давом этди.

Ҳеч бўлмаса умид беринг, қанча десангиз кутаман!

Қиз айна шу пайтда сабини тенг иккига бўлди, тахтакаш тарақлаб кетди. Пичоқ гўё ошиқ қалбини қоқ ўртасидан тилиб ўтди.

— Шунчаликми энди? Бир қайрилиб қарашингизга ҳам арзимадикими? Йигит қизнинг елкасидан маҳкам ушлаб ўзи томонга қаратгиси, кўларига тикилиб туриб, сўрагиси келди: «Ҳа, денг? Ҳеч бўлмаса, кут денг?!»

Зулфизар қутилмаганда қайсидир қўшиқни узук-юлуқ хиргойи қила бошлади. Дамирнинг вужуди музлаб кетди — бунча хор қилмаса?

— Демак, тамом экан-да? — деди у изтироб билан. Сўнг, яна баланд овозда қўшиб қўйди: — Бўлди, бошқа ялинмайман сизга! Ҳеч қачон!

Сўнг шартта бурилиб, хонасига кетди. Шериғи йўқ эди. Ўрнига юзубан ташлади-да, ёстиққа юзини босди...

...Зулфизар саби тўғраши тугатди. Сўнг қуриб, хурпала бошлаган сочларини тутамлаб орқага йиғиштирди-да, қулоқларидан «наушник»ни чиқариб олди...

Хонасига кириши билан Нодира саволга тутди:

— Ҳўш, жавобингни айтдингми?

— Келдимми? — кўзлари порлаб кетди Зулфизарнинг.

— Сўраганди, ошхонада девдим. Қараб турда, ҳозир кириб келади Мажнунинг.

Зулфизар майин жилмайди. «Тавба, — ўйлади у, — шунча йил ортимдан соядек эргашиб юриб, охири кўнғилмни олди-я. Қандай қилиб унга боғланиб қолдим, Худо биладди. Кўргим келаверади. Севги деганлари шу бўлса керак...».



Орадан кунлар ўтди. Йигитнинг дарағи йўқ. Қизнинг вужуди қулоққа айланган — эшикнинг таққиллашини кутмоқда. Назарида, унинг эшик чертишлари ҳам ўзгача эди. Бир пайтлар асабини таранг қилгучи ўша товуш энди қизнинг дил торини қўшиб чертар, бу садосиз ҳаётини тасаввур қилмоққа ожиз эди. Келади, ҳозир келади... У хаёлчан дераза ёнига борди. Қўшни ётоқхона деразала-ридаги бир хил пардалар паришон хилпирайди, икки бино орасидаги торгина йўлак кимсасиз. Гўё бутун дунё кутаяпти.

Ногаҳон... йўлакда каттагина сумкасини орқалаганча шошиб кетаётган Дамир кўринди. Зулфизар бир муддат унинг ортидан лол бўлиб қараб турди. Қаёққа кетаяпти? Шунча юк билан... нахотки қишлоққа? Нега кетади? У-чи?!

Қизнинг кўксиди бошланган галаён бир лаҳзада хайкириққа айланди: «Дамир!» Аммо томоғига нимадир тикилиб, овозини ўзидан бошқа ҳеч ким эшитмади. У кетди.

Оқшомда Нодира гап топиб келди: Дамир ҳеч ким билан хайрлашмай, қишлоққа кетворганимиш. Қизнинг юраги орқага тортиб кетди — нахотки, энди уни сентябргача кўрма-са? Қандай қилиб...

Зулфизарга таътил татимади. Кун санаб, кузни кутди. Йигитдан бирон-бир мушжа бўлмаса-да, умидини сўндирмади. Ахир олдинда сентябр бор!

Аммо бир кун... Дамирдан почта орқали тўйга таклифнома олди...

Г.АСРОНОВА 1968 йилда туғилган. Тошкент давлат Аграр университетини тамомлаган. «Ота уйим оқшомлари», «Осмонини топган қўш» номли ҳикоялар тўпламлари чоп этилган.

Озода БЕКМУРОВА

МАҲТЦ БАҲОРИМ



НУРИСТОНИМ

Буюк манзилларни кўзлаб қарвоним,
Ййрасам, бағрига олган замоним.
Ҳаловат изласам икки дунёдан,
Саодат мулкига элтар давроним —
Ўзбекистоним!

Тошлари гуллари билан сирлашган,
Тупроғи юлдузлар қадар туташган,
Тўққиз фалак ичра руҳлари бедор,
Улуғ авлиёлар назари тушган —
Ўзбекистоним!

Тўртта томонимга боқсам, яшнайман,
Ўзимдан юксалиб қўшиқ бошлайман.
Сен билан ободман, хушвақт яшайман,
Сен билан нурафшон тонга ўхшайман —
Ўзбекистоним!

Онамни соғинсам, сени қучаман,
Отани соғинсам, сени ўпаман.
Яшил қирларингда қушдай учаман.
Нуристоним менинг,
Мангу жаҳоним —
Ўзбекистоним!

ДАСТХАТ

Элим десам юрагимга нур кирар,
Томиримга осмон кирар, сир кирар.
Борлиғимда бир илтижо ҳайқирай;
Элим десам икки дунём туркирай!

О, билмайман бу қандайин табобат,
Тошин қучсам тошгайдурман ҳаловат,
Олислардан соғинч тортиб келганда,
Кўксимдаги ғамлар эрир тобад.

Шу тупроқнинг гулман, гавҳариман,
Тоғларининг бошидаги зариман,
Кўҳқоғфга учиб кетган қушману,
Кел деганда келадиган, бориман.

Шу борлиқнинг шамолда юз чайсам,
Шу кенгликнинг камолда улғайсам,
Исим айтсам, танисайди гиёҳлар;
Исмин айтса, оламларга кенг ёйсам.

Юрагимга қувват керак, ёронлар,
Менга синмас қанот керак, ёронлар,
Элим десам, бизникисан десалар,
Менга шундай дастхат керак ёронлар.
Менга шундай қисмат керак ёронлар!

ОНАМ

Етмасам, етмадим сизнинг маъвога,
Билмасам, билмадим сизнинг қадрингиз.
Сўнгсиз қолиб кетдим куйган саҳрода,
Она қабрда ҳам,
Менми дардингиз.

Ҳанузам ниҳолман, майсаман, майса,
Зарра совуқдан ҳам увишар бағрим,
Оҳ сизсиз қолганим аладсиз ғусса,
Оҳ сизсиз қолмади на дўст,
На қадрим.

То ҳануз топмадим,
Жоннисор ғамхўр,
Топмасман то маҳҳар Сиздай қувват шаън!
Сизсиз юкинганим — андуҳ ва озор,
Қабрингиз тупроғи — дийдамга ватан.

Тушларимнинг мовий осмонларидан,
Илоҳ ифорида келасиз тушиб,
Ёруғлигим онам,
Баётим онам,
Рухимни аллаланг қушларга қўшиб...

ВАҚТ

Онам осмон эди,
Отам тоғ эди...
Еру осмон сеҳрли нурбоғ эди.
Кўзим кўнғил эди,
Кўнғилм соғ эди,
Шодликлари тугамаган чоғ эди...

Тушлар шухуҳ, зар аралаш тонг эди,
Чексизлиқнинг чодирлари кенг эди.
Ўйламасдан ўйнаб қулиб чопардим,
Ёруғ тушларимнинг бари ўнг эди.

Волидамнинг бағри мангу баҳорим,
Мойчечаклар табассуми бахт эди.
Минг айтгилса нигоҳларининг изғори
Бир қайрилиб боқмаганим вақт эди.

Фасларининг жами қўктам, лолазор,
Лаҳзаларининг ҳеч саноғи йўқ эди,
Юлдузларининг шуъласига қарасам,
Малакмисол бир гуноҳим йўқ эди.

Бутун олам дўстим эди, қадрдон,
Шодлик сувин сочар эди тўрт томон.
Қўл узатсам, қанот ёзган турналар,
Қафтларимга келиб қўнар, ал-омон...

О.БЕКМУРОВА 1974 йилда туғилган. ЎзМУнинг журналистика факультетини тамомлаган. «Дилрабо оқшомлар», «Юрак зарблари» шеърый тўпламлари нашр этилган.

Улуғ шоир, муаррих, моҳир саркарда ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур Шарқ халқлари тарихи ва маданиятининг барча жабҳаларида ўзига хос ўчмас из қолдирган. Унинг адабий, илмий ва моддий мероси беш асрдан буён жаҳон олимлари томонидан изчил ўрганилиб келинмоқда, асарлари, айниқса, “Бобурнома” дунёнинг ўнлаб тилларига таржима қилинган.

Шубҳасиз, жаҳонда Бобур асарларига қизиқиш кучайган бир паллада унинг ватандошлари, яъни ўзбекистонлик олим ва адиблар четда тургани йўқ. Шарқшунос олимларимиз, тарихчи, манбашунос, адабиётшунос, географ, ботаник ва зоолог олимлар улкан илмий ишларни амалга оширдилар ва бундай салмоқли тадқиқотлар давом этмоқда.

Ҳар йили Бобур таваллуд топган сана мамлакатимизда кенг байрам сифатида нишонланади. Халқаро илмий анжуманлар ўтказилмоқда. Барибир бобуршуносликнинг ҳақиқий маркази Ўзбекистон эканини яққол исботлаш учун нимадир камдек тулолаверарди. Ана шу кемтик — Бобур қомуси эканини англаган олим Зокиржон Машрабов ташаббуси билан Бобур энциклопедиясини яратишга қўл урилди. Абдулла Аъзам раҳбарлигидаги тахририят аъзоларининг самарали меҳнати туфайли минглаб илмий, адабий ва оммабоп мақолалар жамланиб китоб ҳолига келтирилди ва Бобур илосмандларига тақдим этилди. Шу йил Андижонда ўтказилган илмий анжуманда профессор Мажида хоним Ўзбекистон том маънода бобуршунослик марказига айлانганини алоҳида таъкидлади.

Албатта, бу каби ютуқлар бизни қувонтиради, қалбимизда ғурур ва фахр туйғусини юксалтиради. Аммо Бобур ва бобурий-

лар ҳақида сўнгги йилларда ёзилган айрим китоб ва рисола-лардаги хато ва чалкашликлар-

исмли қизи бўлган”, деган маълумотни ўқиймиз. Аслида Бобурнинг Меҳрижаҳон бегим

гим опаси Гулранг бегим ва Меҳрижаҳон бегимларнинг Хўстада таваллуд топганини зикр қилган.

Бир йилдан сўнг, яъни 2012 йили “O'zbekiston” нашриётида қайта ва бир оз кенгайтирилган 9-бетида берилган саналарда бир неча чалкашликка дуч келамиз. Масалан, 1533 йили Бобурнинг чевараси Шохжаҳон унинг хоки-

дан чоп этилган Б.Тўхлиев ва Д.Тўхлиеванинг “Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижоди” (альбом) номли китобининг 9-бетида берилган саналарда бир неча чалкашликка дуч келамиз. Масалан, 1533 йили Бобурнинг чевараси Шохжаҳон унинг хоки-

дини олиш мумкинми? Бирон мутахассис қўлёзми кўриб берса бўларди-ку.

Таниқли бобуршунос Х.Қудратуллаев қаламига мансуб

Ўзбек мумтоз адабиёти

“Бобурнинг давлатчилик сиёсати ва дипломатияси” китобида ҳам (“Sharq” HMAK Бош тахририяти, 2011) айрим хатоларга кўзимиз тушди. Масалан, китобнинг 391-бетида Бобур Иброҳим Лўдийни мағлуб этганидан сўнг унинг отасига катта тухфалар бергани ва “онасига ўз саройидан катта жой ажрат”гани айтиладики, бу маълумотлар ўқувчини таажжублантиради. Ваҳоланки, бу жанг 1526 йили бўлиб ўтган ва Иброҳим Лўдийнинг отаси Искандар Лўдий 1517 йили вафот этган. Бобур Иброҳим Лўдийнинг онасига саройдан эмас, Деҳли четидан жой ажратиб берган. Яна шу саҳифада ва 192-бетда Бобурнинг ҳинд рожаси Ғозихон мурувват кўрсатгани, аммо Ғозихоннинг “икки қўлига икки қилич олиб, тўшига яна икки қилич осиб Бобурга қарши курашди” киргани ҳақида ёзилади. Аввало Ғозихон эмас, унинг отаси Давлатхон белига икки қилич осиб, ҳам Бобур ва ҳам Иброҳим Лўдийга қарши эканини рамзий ифодалайди. Панжоб ҳокими Давлатхон ҳинд рожаси эмас, маҳаллий афғон қавмидан бўлган. “Рожа” сўзи “ҳукмдор” маъносини беради. Негадир “ҳинд рожаси Ғозихон” ибораси китобнинг 333-бетида такрор келган.

Икки йил муқаддам “Янги

аср авлоди” нашриётида чоп этилган “Дунё маликалари” номли тўпламда (тўпловчи И.Аҳмедов) бир неча бобурий маликалар ҳақида ҳикоялар бор. Жумладан “Муҳаббат қасри” номли ҳикояда Аржуманд бонунинг Машҳадда туғилгани қайд этилган. Аслида бобурийлар давлатининг йирик амалдори Осафхоннинг қизи пойтахт Аграда таваллуд топган. Машҳад ҳеч қачон бобурийлар тасарруфига бўлмаганини ўқувчилар яхши билади. Шохжаҳоннинг хотини вафотидан сўнг уйланмай ўтиши ҳақидаги маълумот ҳам нотўғри. Зеро, айнан Мумтоз Маҳалдан сўнг подшоҳ никоҳига кирган Фотиҳпурий бегим томонидан бунёд этилган масжид ҳозир ҳам Ҳиндистондаги йирик намозгоҳлардан бири саналади...

Бу каби камчилик ва хатоларни санаб ўтишга имкон ҳам, фурсат ҳам етмайди. Аммо келажакда Бобур ва Бобурийлар ҳақида ёзиладиган китобларда Бобуро на тарзда ҳаққонийлик ва ростгўйлик сақланиб қолинади, деб умид қиламиз. Негаки, Бобур бу соҳада барча ижодкор ва олимларга намуна бўла олади. Зеро, улуғ шоир ва шох Бобур оқ қоғозни қоралар экан, ҳатто йўл қўймасликка интильгани боис “Бундан нари бетакаллуф ва равшан ва пок алфоз била бити”, деб ёзган. Унинг бу шиори ҳануз ўз қимматини йўқотмаган.

Ботирали Йўлдошев,
бобуршунос

“...ПОК АЛФОЗ БИЛА БИТИ”



1530 йили ҳаётдан кўз юмган. 1533 йили унинг бирорта ҳам ўғил наби-раси (чевара ҳақида эса сўз бўлиши мумкин эмас) бўлмаган. Ҳумоюннинг ўғли Альомон ёшлигида вафот этган. Акбар эса 1542 йили таваллуд топган. 1556 йили тахтга ўтирган Акбар салкам эллик йилдан сўнг, 1605 йили вафот этган. Унинг ўрнига Жаҳонгир ўтириб, у 1627 йили вафот этади. Бир йилдан сўнг эса тахт учун курашда ғолиб чиққан Шохжаҳон бошига тож қилиб осиб, ҳам Бобур ва ҳам Иброҳим Лўдийга қарши эканини рамзий ифодалайди. Панжоб ҳокими Давлатхон ҳинд рожаси эмас, маҳаллий афғон қавмидан бўлган. “Рожа” сўзи “ҳукмдор” маъносини беради. Негадир “ҳинд рожаси Ғозихон” ибораси китобнинг 333-бетида такрор келган.

ҲАЁТ ВА БАДИИЙ ТЎҚИМА

Янги сўз — ҳеч қачон ҳеч қим қўлламаган, фақат шоир томонидан қўлланилган, ўйлаб топилган сўзлардир. Масалан, “шоҳлар” ўрнига “мўғизчалар”, “қоҳин” ўрнига “дуоғўй” кабиларнинг қўлланиши шунга монандир.

Модомки, шоир (мусаввир ёки бошқа тасвирловчилар) ҳаётни акс эттирар экан, демак у, муҳаррир равишда қуйидаги уч нарсадан бирини: ҳаёт қандай бўлса шундайлигини; ё одамлар айтиётганича ва тасаввур қилганича; ёки ҳаётнинг қандай бўлиши кераклигини тасвирлаши лозим бўлади. Бу нарсаларга эса оддий тил, ё ноёб, ёки кўча маъноли сўзлар билан ёришлади. Тилнинг жуда кўп ажойиботлари бор.

АРАСТУ

Камюнинг асарларида асосий ургу бош қаҳрамонлар ҳаётига эмас, балки ғуноҳкорлик ва бегуноҳлик муаммоларига, масъулият ва нигилистик лоқайдлик масалаларига қаратилган. Унинг ижоди юксак санъати билангина эмас, балки мутлақо бошқа жиҳати, яъни ахлоқий гўзаллиги билан ажралиб туради.

Съюзан ЗОНТАГ

Шолохов таржимаи ҳолини тарих билан, уруш саҳналарини маиший ҳаёт манзаралари билан, оммавий ҳаракатини индивидуал руҳият билан уйғунлаштириб юборади. У ижтимоий ҳаётдаги кескин ўзгаришлар одамлар тақдирига қандай таъсир қилишини, сиёсий кураш бахт ёки ҳалокатга олиб боришини ҳаққоний кўрсатиб берган.

Марк СЛОНИМ

Адабий, фалсафий ва сиёсий тизимлар инсониятга ёрдам бера олмай турган бир пайтда бизнинг борлигимиз, мавжудлигимиз моҳияти, унинг мукамаллиги, унинг ориқлари Пруст ва Толстой таърифидагидек, кўзинг очилиши каби бир лаҳзалик таассуротларда намоён бўлади. Роман аслида объектлар олами. Роман бизни ҳаммамиз интиладиган ҳамда зўравонликларга қарши ҳам-

Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида

мамизни бирлаштирадиган эзгуликни, меҳрни тушунишга олиб борадики, бу шунчаки юзаки тушунчалар эмас.

Сол БЕЛЛОУ

Маҳоратга берилган сон-саноксиз таърифлар бор. Уларнинг ёнига яна биттасини қўшиб, маҳорат — ёзувчининг ўзи билан китобхон орасидаги тўқимани олиб ташлаш қобилиятидир десак, унда улар ўртасидаги яқинлик юзага келгандагина маҳорат чўққилари забт этилади.

Жон ГОЛСУОРСИ

Бугун минглаб романларда номлар ва шароитлар қартани чийлагандек чийилган, айнан бир хил воқеалар такрор ва такрор ҳикоя қилинади. Биз янги воқеаларни тўқиб чиқармаёلمиз, балки бошқалар айтган воқеаларни қайта айтиб бераёلمиз, ҳоло. Бадий тўқима — адабий ўғирлик бўлиб қолди, унинг ютуғи китобхон ёки муаллифнинг нодонлик даражасига боғлиқ.

Александр ГЕНИС

РАНГЛАР ВА ТИМСОЛЛАР

ган? Бизнингча, бунинг биринчи сабаби Баҳромнинг Шарқу Фарб шеърӣ усулларини синтез қилгани билан изоҳланади. Иккинчи сабаб, шеърлардаги образларга дахлдор. Ҳозирги пайтда Фарбий Европада, шу жумладан, Германияда ҳам мифологик образларни ўрганишга қизиқиш ортиб бормоқда. Хусусан, ўзбек халқ эртаклари, афсоналари кўп нусхада нашр этилгани сўзимизга далил бўла олади. “Мен ўзимни унутдим” китобидаги шеърларда ҳам диний-мифологик образлар ишлатилган.

Тўпламдаги шеърлар таржимаси нафис чиққан. Дейлик, “Дераза пардаси яшилланмоқда” сарлавҳали шеър таржимасини И.Балдауф таржимаси билан солиштирилганда, уларда ўзаро ҳамоҳанглик сезилади. Фарқ шундаки, Балдауфхоним шеър матнига эркин ва ижодий ёндашиб, таржимага ўз шахсий тасаввурларини ҳам сингдириб юборган. Я.Таубе эса, аслият руҳини сақлаб қолишга интилган. Чунончи: “Дераза пардаси яшилланмоқда//ойнадан тушмоқда ям-яшил шафақ//қаранг истеъфога чиқибди бугун//

йилдан ошиғроқ давом этди. Шошилишга не ҳолат. Бир ҳафтадан шундай бўлгани ҳам маъқул эди. Чунки қайта ишлаш жараёнида ҳар гал кичик-кичик

Таржима — юксак санъат

нагина бўлса-да, нимадир ўзгарар, нимадир тузатиладди. Мисол учун, “Буюк арафа” шеърдаги биргина “қоралама” сўзининг адекват вариантни топувча нақ ўн беш йил вақт ўтибди. Нимани кутаётганим ўзимга аён эмас эди, чунки таржимада нимадир еттишмаётгандай, сўзлар қовушмаётгандай бўлиб тулолаверарди... Мен “қоралама” сўзи ўрнига “die Skizze”, “die Vorzeichnung” каби сўзларни қўйиб кўрдим, лекин буларнинг ҳеч бири мени қониқтирмас, булар том маънода “қоралама”га мос тушмас эди. Қўнларнинг бирида... тилимга “лоп” этиб мен узоқ ахтарган ва кутган “der Entwurf” сўзи чиқиб қолди.

Таржима жараёни машақ-

Zeigefinger” деб берсам, шеър немис тилида кўнгилдагидай жарангламаган бўларди, шеър вазни ва оҳангига путур етарди. Бу сўз таржимаси синчковлик билан, сабр ва матонат билан ишлашни талаб қиларди. Ҳа, бу шундай мураккаб жараён эди. Шунинг учун аслиятдаги: “...фаришта такрор ва такрор/осмонга чўзарди кўрсаткич бармоғин” мисраларини: “die fee wieder und wieder//streckte zum himmel den finger” деб бериб, қўшма сўз “der Zeigefinger — кўрсаткич бармоғи” таркибидаги “кўрсаткич”ни тушириб қолдирдим. Чунки фаришта осмонга қайси бармоғи билан ишора қилаётганини ўқувчига шундоғам маълум эди.”

“Энди унинг кўзи илинаркан//қалъа деворига бошин қўяди//яна ўша-ўша//қалъа деворлари//ёнгир остида шумшайгани каби//қўнғироқлар тоғи остида//суврат қоралмасига ўхшаб кўринар.”

Немисчаси:

“Kaum dass seine augen



Ровияжон АБДУЛЛАЕВА,
филология фанлари
номзоди

“МАТБУОТ — КУЧЛИК БИР ДАВЛАТДИР” Улуғ адиб — журналистлар

Ўзбек адабиётининг Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Қодирий сингари улуғ сиймолари адабиётдагина эмас, журналистика соҳасида ҳам бой ва арзирли мерос қолдиришган.

Улар истеъдодли журналист, моҳир муҳаррир ва тадбиркор ношир ҳам бўлишган. Тараққийпарвар зиёларимизнинг матбуотдаги фаолияти ўзига хос мактаб. Қуйида уларнинг ушбу соҳадаги фаолиятига оид маълумотлар билан танишасиз.

Маҳмудхўжа Бехбудийнинг илк хабар ва мақолалари “Туркистон вилоятининг газети”да 1903 йилдан бошлаб “Самарқанддан мактуб” сарлавҳаси остида чоп этилган. 1905 йилдан у матбуотда фаол қатнаша бошлаган. Биргина “Туркистон вилоятининг газети”да 70 дан зиёд, “Ойина” журналида 60 га яқин мақоласи босилган. Бехбудийнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари “Тараққий”, “Хуршид”, “Садойи Туркистон”, “Хуррият” каби газета-ларда чоп этилган асарларида яққол акс этган.

1913 йили Бехбудий узоқ уринишлардан кейин ўз ҳисобидан газета чиқаришга муваффақ бўлди. Унинг ношир ва муҳаррирлигида “Самарқанд” газетасининг биринчи сони шу йилнинг 16 апрелида дунё юзини кўрди. Бу газета Абдулла Авлоний таъбири билан айтганда: “...элу халқнинг кўзини очишга боис бўлди”.

Бехбудий ўзбек матбуотида илк бор журналистика асос солди. “Самарқанд” газетаси 45-сонидан кейин тўхтатилган, унинг ўрнига 1913 йилнинг 20 августидан “Ойина” журнали чоп этилди. 1915 йилнинг 15 июнига журналининг 68 та сони чиқади.

“Ойина” журнали нафақат юртимизда, балки қўлгина Шарқ давлатларида ҳам севиб ўқилган. Абдулҳамид Чўлпон 15 ёшдан журналистика соҳасига кириб келди. Унинг “Андижонда янги баҳар” сарлавҳали биринчи хабари “Ойина” журналининг 1914 йил 13-сонида босилди. Иккинчи хабар — “Асари ҳамайийат” эса ушбу журналнинг 1914 йили 24-сонида чоп этилди. Шу тариқа, хабар ва мақолалари 1914—1915 йиллари “Садойи Туркистон” ва “Садойи Фаргона” газеталарида ҳам бирин-кетин кўрина бошлади. Унинг атрофдаги воқеаларни зийраклик билан кузатгани, булардан ҳулосалар чиқара олгани, фикр ва мулоҳазаларининг янгилиги ёзган журналистик асарларида намоён бўлди. Чўлпон ижтимоий-сиёсий, мактаб ва маориф мавзуларига бағишланган мақолалар, халқаро воқеалар таҳлил қилинган шарҳлар ёзиб, ўз даврининг ҳозиржавоб ижодкорлари билан елка-

дош фаолият юритди. 1919 йил декабридан 1921 йил бошигача Чўлпон “РусТО” деворий газетасига муҳаррирлик қилди. “РусТО” Москвадан чиққан “РосТА” газетасининг Туркистондаги шўъбаси эди. Асосан кичик хабар ва янгиликларни ёритувчи бу газетига муҳаррирлик қиларкан, Чўлпон халқ манфаатларини ҳимоя қилишга интилди.

Чўлпон 1921 йил 30 июнидан 1922 йил 15 январигача Бухородаги “Бухоро ахбори” газетасига ҳам муҳаррирлик қилди. Ўзи муҳаррирлик қилган дастлабки сонидан “Матбуот кучлик бир давлатдир” сарлавҳали мақоласини чиқаради. Мақолада Чўлпон матбуотни ҳақиқатдаги ҳокимиятлар қаторига қўяди.

Абдулла Қодирийнинг “Янги масжид ва мактаб” номли илк мақоласи “Садойи Туркистон” газетасининг 1914 йил 1 апрел сонидан “Абдулла Қодирий” имзоаси билан эълон қилинди. Шундан кейин ҳикоялари, драмалари билан турли нашрларда тез-тез кўриниб турди. У матбуотчи сифатида 1917 йилдан кейин фаоллашди. 1919 йилда “Озик ишлари” газетасида муҳаррир бўлиб ишлайди. Яна “РосТА”, “Инқилоб” газета ва журналларда адабий ҳодим, муҳбир бўлиб фаолият кўрсатади. 1923 йилда “Муштум” журналининг ташкил этилиши ҳам бевосита Абдулла Қодирий ва Ғози Юнус фаолияти билан боғлиқ. Қодирий бу ҳақда шундай ёзади: “23-йилнинг феврал ойида, шекилли, “Туркистон” газетасига ўртоқ Абдулҳай Тожий муҳаррир белгиланди ва шу ўртоқ бир қулки журнал чиқарингиз, деб мен билан Ғозини чақирди... Биз икковимиз ишга киришдик-да, натижада сажиз сонча “Муштум” чиқди”. Қодирий замондошларининг эътирофи этишчаки, “Муштум”нинг эътибор топиши, кўп тарқалиши Қодирийнинг ўткир қалами билан бўлган.

1920 — 1925 йилларда Абдулла Қодирийнинг уч юздан ортиқ мақола, фелъетон, ҳажвиялари “Туркистон”, “Тонг” сингари газета ва журналларда чоп этилди.

Н.НАМОЗОВА

Илхом АХРОМ

“ОҚ ТАНГА, КЎК ТАНГА...”

Рамазон оҳанглари

Ассалому алайкум,
бизлар келдик,
Пайгамбар йўлидан излаб келдик.
Хоҳ беринг, хоҳ берманг,
Бизга барибир.

Рамазон айтиб келдик
эшигингизга,
Кўчқордек ўғил берсин
бешигингизга.

Оқ танга, кўк танга
Чикара қолинг, жон янга!

Ўчоғида кул,
Кўчоғида гул.
Чикара қолинг
Минг сўм пул!

Минг сўм пулнинг боғи бор,
Боғида анори бор.
Анорининг ичида,
Шақир-шукр тори бор.

Обчиқинг, обчиқинг,
Қўлларингизга собчиқинг.
Қўлларингизга сизмаса,
Тоғорага собчиқинг.

Берсангиз бизга бирини,
Худо берсин сизга минтин.
Рамазон, Рамазон,
қутлуғ Рамазон,
Ҳилол чиқди осмонга —
Хайрли замон.



Тошкент шаҳри, Ҳазрати Имом мажмуаси.

Сарвар МАМБЕТОВ олган сурат

ТУРМУШ КЕЧИНМАЛАРИ



Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджоннинг “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан чоп этилган “Ажинаси бор йўллар” номи асари “Бошлов”ида шундай эътирофни ўқиймиз: “Ёсам, ўзим учун ҳам, баъзи бировлар учун ҳам қанчалар оғрикли бўлмасин, имкон қадар, борини борича айтишимга тўғри келади. Акс ҳолда, бу муаллақ тарвуз узра абадиёт замонининг омонат кўпикчасидек кечган ҳаётим баёни табиийликдан чекиниб, бир адибнинг навбатдаги тўқмаси юзага келади-ю, умр ҳақиқатлари рамзи сифатида идрок этилгувчи “эсдалик” аталмиш сўз азалий қимматини йўқотади”.

Адибнинг эътирофидан унинг ўз олдига қўйган мақсади ва қатъияти аниқ ифодасини топган. Асарни ва рақлар экансиз, турмуш қийинчиликларини енгиб, адабиёт майдонида ўзига яраша ўрин топишга интилган ёш қаламкашнинг кўрган-кечирганлари тасвирланган ҳаётини лавҳалар билан танишасиз.

Муаллиф бу асарида собик шўро тузуми даврида кечган болалиги ва ўша замоннинг қўсурларини, ҳаётимизга кириб келган алдовларни ҳамда маънавий тарбиямизга etkazилган салбий оқибатларини ёрқин бўёқларда кўрсатиб берган.

Равон ва ширали тилда битилган бу асарида муаллиф ўз кечинмаларини холис, самимий ва борича ростгўйлик билан баён этган. Умрининг асосан қишлоқда кечган даври ҳикоя қилинган “Ажинаси бор йўллар” асари А.Обиджон “турмуш кечинмалари”нинг биринчи китоби. Мухлислари бу китобини ўқиб, шубҳасиз, адибдан кўрган-кечирганларининг давомини куттишлари тайин.

Нашрга Л.Игамова муҳаррирлик қилган.

Дунёда ўзининг ҳозиржавоблиги, зук-колиги, самимияти, кўнгилга хуш ёқадиган ҳазилкашлиги билан танилган юртлар кўп. Аслида, Ўзбекистонимизнинг қайси қишлоғига борманг, у ерда аjoyиб характерли турфа инсонларга дуч келамиз ва уларнинг ўзларига хос хусусиятларидан завқланамиз, яйраймиз. Ҳар бир жойнинг

кулгининг нақадар жиддий ҳодиса эканлиги, сирдан жиддий кўринган дардларимизнинг тағида ҳам не-не гаройиб, кулгили, аммо, беғараз воқеа, ҳангомалар яшириниб ётганига яна бир қарра иқдор бўлдим. Ҳангомалардаги, айниқса, лақабига шама қилиб, бир-бирларига дўстона ҳазиллашган Ваҳоб ака, Туроб акаларнинг “қитмирилиги”, “чой-

қаҳрамонларини жонли, тирик одамларга айлантирган. Чунки қай бир қишлоққа ёки маҳаллага борманг, кўпгина кишилар исмига муайян лақаб қўшиб айтиш одат



КУЛГИ ЗАМИРИДАГИ САМИМИЯТ

бир олам маънони ўзида мужассамлаштирган аjoyиб табиатли, оддий одамлари билан бир қаторда ўша юрт донгини элга таратадиган билимдон, меҳрибон, асл фарзандлари ҳам бор. Айниқса, бизнинг халқимиз ўзининг азалдан ҳазил-мutoйи-

хонага кирган Аббос Юсупнинг одамийликдан нолигани, гурури кўзиб кетган Тўрабойнинг ўзга миллатга мансуб ҳамроҳларидан қилишмаслик қасдида ўзини “каптив” деб таништиргани, хотинининг қалтис саволига силлиқлик билан жавоб қайтарган Шокир аканинг ўз айбини усталик билан ҳаспўшлагани, қизил костом кийган Турғунали акага ўз “орзу”сини маҳорат билан изор этган Ҳуломжон аканинг ёхуд жарима тўлашдаги Шокирвой тоғаларнинг чапанилиги, дангаллиги ҳар қандай тунд китобхонада ҳам кулги, заҳв ва ҳавас уйғотиши табиий.

Китобдан ўрин олган хангомаларнинг ўқишлилиги ва китобхон қалбини тез забт эта олишининг боиси, назаримизда, унинг халқ оғзаки ижодиёти билан руҳан яқинлигида, айниқса, халқимизга хос ҳозиржавоблик ва бадиҳагўйликни ўзида қамраганидир. Ёзувчи, ҳатто, ўз қаҳрамонларининг номини ҳам “адабийлаштирмасдан”, халқ орасида қандай айтилса, шундайлигича номлайди. Бундай услуб, шубҳасиз, унинг

тусига кирганига гувоҳ бўламиз. Шунинг учун ҳам “Пулим етмаган” номи хажжи ҳикоя қаҳрамони Шарип қассоб хангомаларини ўқитганимизда беихтиёр ўзимиз биладиган, танийдиган шу каби ажабтовур табиатли кишилар қиёфаси кўз ўнгимизда гавдаланади.

“Қайқидан хангомалар” тўпламига киритилган асарлар бадиий тилининг ширадорлиги, нафақат таниқли халқчилар, балки оддий кишилар нутқида ҳам кўп бора эшитганимиз халқона бирикмалар, қайроқ сўзлар ва ибораларга бойлиги, мавзулари ғоят ранг-баранглиги, ўқувчи дилига яқинлиги ва ўқишлилиги билан эътиборни тортади. Шу маънода, истейдодли ёзувчи Баҳриддин Зайниддиновнинг маъзур китобини бугунги ўзбек ҳажвий насрининг жиддий ютуқларидан бири, деб баҳолаш мумкин.

Шаҳодат ИМОННАЗАРОВА,
илмий ходима

ШОДИ ОТАМУРОД

МЕН ҲАММАГА ЁҚАМАН

БАЙРОҚ РАНГЛАРИ

Кўк:
— Осмонга чирой берган,
Байроқдан ҳам жой берган,
Юлдуз берган, ой берган,
Кўк дейишар исминини.

Яшил:
— Эгизакман кўк билан,
Келишмайман куз билан,
Мен баҳорнинг хуснман,
Яшил дерлар исминини.

Қизил:
— Байроқда ҳам изим бор,
Лолада ҳам ўзим бор,
Ўзагимда “қиз”им бор,
Қизил дерлар исминини.

Оқ:
— Дуодадир қўлингиз,
Оқ бўлсин-да йўлингиз,
Ҳамроҳ бўлсин қўлингиз,
Оқ дейишар исминини.

Ранглар: (жўровоз)
— Ўзимиздан сўзлашиб,
Қолдик бизлар дўстлашиб,
Тарқалмасдан ҳар ёққа,
Жам бўлдик биз байроққа.

БУВИЖОНИМ ҲАССАСИ

Бувижоним ҳассасини
Кулиб сўраб оламан.
Аста миниб устига
Тойчоқ қилиб чопаман.

Болалар бекати

Бувижоним юзига
Шодлик тўлар, кўраман.
Дам олганда ҳар доим
Хурсанд қилиб чопаман.

УЛОҚЧА

Сакраб-сакраб ўйнайди,
Сутта тўйган улоқча.
Кутатман, сезаман,
Қайғуси йўқ тирноқча.

Ахир, ёнида тўлар,
Меҳрибон — онаси.
Шу боисдан бахтиёр,
Шўх улоқча — боласи.

БОЛАМАН-ДА!

Хато қилсам гоҳида,
Бепарво бўлмас ойим.
Даққи бериб, охири
Боласан-да дер доим.

Бугун-чи, мен қаймоқни
Ошхонада еб қўйдим.
Ойим кўрач, дарров мен
Боламан-да, деб қўйдим.

ҚОВУН

Ёнбош қилиб, палақлар
Орасида ётаман.
Номдорлигим ҳақида,
Ширин ўйга ботаман.



Камини доим асал —
Қовун деган ном олар.
Мени мактар айниқса
Тишлари йўқ момолар.

ХУСАЙНИ УЗУМ

Мен хусайни узумман,
Дўстлардан сал узунман.
Биласанми оғайни,
Ёзда пишдим мен айни.

Асаддирман, ширинман,
Энг зўрлардан бириман.
Ҳам хуснимдир савлатим,
Бу ҳам бўлса — омадим.

БУЗОҚЧАГА

Доим сенга қарайман,
Юлиб бераман ўтдан.
Сигирин эмганинга
Озроқ қолдиргин сутдан.

ҲАССА

Мен ҳаммага ёқаман,
Деманг мени мактанчоқ.
Кексаларга — суяниқ,
Жажжиларга — зўр тойчоқ.

БАРЧАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

Ёнғин билан боғлиқ ҳодисалар кўпинча катталарнинг бепарволиги оқибатида юзага келади. Шу муносабат билан соҳа йўналишида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда ёнғин хавфсизлиги ходимлари томонидан жойларда турли тадбирлар ўтказилмоқда. Аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Зеро мустиқиллик йилларида ушбу тизимда ҳам катта ўзгаришлар юз берди.

Яъни ҳар қандай шaroитда ҳам ҳаракат қила оладиган махсус ёнғин ўчириш автоуловлари бугунги кунда ёнғин хавфсизлиги хизматида. Аммо ушбу автомашиналар офат содир бўлган жойга қисқа вақтда етиб боролмаслиги оқибатида турар-жой ва хусусий мол-мулкка катта талофат етмоқда. Аҳоли томонидан маҳаллага кириб бориш йўллари, кўчалар бошига турли тўсиқлар қўйилиши ёки ўзбошимчилик билан уйлар тағида омборхона ва автоуловлар учун гаражлар қурилиши ёнғин ўчириш машиналарининг ўз вақтида етиб боришига халақит бермоқда.

Бу каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш, йўллардаги тўсиқлар ва ноқонуний қурилмаларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш нафақат соҳа ходимларини, балки ҳаммамизнинг бурчимиздир.

Жаҳонгир АБДУКАРИМОВ,
Миробод тумани Ёнғин хавфсизлиги
хизмати кичик инспектори

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, «Ижод» жамоат фонди уюшма аъзоси Учкун Назаровга турмуш ўртоғи

ДИЛБАР аянинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Гул кўп, чаман кўп

ЖАҲОН АДИБЛАРИ ҲАЁТИДАН

Мухбирликаан Нобелгача

Буюк ёзувчи Эрнест Хемингуэй (1899-1961) ўқувчилик йилларидаёқ мактабидagi “Тўртбурчак” газетаси ҳамда “Лавха” журналлари билан ҳамкорлик қилиб, спорт мавзусида фелетон ва очерклар ёзган. Майда-чуйда харажатлар учун газета сотиб пул топган. Мактабни битиргач, ҳарбий хизматга бормоқчи бўлди, бироқ отаси руҳсат бермагач, “Канзас сити стар” газетаси муҳбири бўлиб ишлайди. Адиб сўнгги интервюларидан бирида бирор аниқ вақтда эмас, ҳамisha ёзувчи бўлишга интилганини айтган. Саргузаштларга бой бутун ҳаёти — Биринчи жаҳон уруши йилларида Альп тоғлари ва Шимолий Италия ўрмонларида кўнгилли пиёда аскарлар сафида кўрсатган жасоратларию олган медаллари, марказий газеталарда қаҳрамон сифатида мадҳ этилиши — барчаси ёзувчи бўлишга иштиёқини кучайтирган.

1920 йили Торонтога кўчиб келиб, яна журналистика соҳасида фаолият олиб боради. “Toronto Star” газетаси ёш репортёрга истаган мавзусида ёзиши учун шароит яратиб берган. Адабий ижоди бошланишидаги “Уч ҳикоя ва ўн та шеър”, “Бизнинг замонимиз” китоблари, “Кўёш чиқяпти”, “Алвидо, қурол” (1929) каби романлари адиб шухратини оширди. 1936 — 1939 йилларда Испаниядаги фуқаролар уруши даврида Э. Хемингуэй республикачилар тарафидан курашган кўплаб байналмилалчилар сафида фаолият олиб борди. Иккинчи жаҳон уруши бошланиши билан яна журналистика соҳасига қайтиб, Лондонда ҳарбий муҳбир сифатида иш бошлади. 1941 йили рафикаси Марта Геллхорн билан бирга Узоқ Шарқ фронтини бўлиб, инглизларнинг бу ердаги вазияти ҳақида хабарлар ёзди, айни шу мақолаларида Япониянинг урушга кириши яқинлиги хусусида олдидан башорат қилди... 1940 — 1960 йилларда Э.Хемингуэй Кубада яшайди. “Кўнғироқ нимадан садо беради”, “Чол ва денгиз”, “Доимо сенга ҳамроҳ байрам”, “Уммондаги оролар” асарлари шу ерда ёзилди. “Чол ва денгиз” асари учун 1953 йили АҚШнинг адабиёт соҳасидаги энг йирик Пулицер мукофоти, орадан бир йил ўтиб эса Нобел мукофоти билан тақдирланди.

Газетачи Маркес

Габриэль Гарсиа Маркес (1927-2014) адвокат сифатида иш бошлаган бўлса-да, журналистикага иштиёқи боис кўп ўтмай уни ташлаб, “Кузатувчи” газетасида репортёрлик қилган. Шу нашрда “Учинчи раддий” қиссаси, ҳикоялари чоп этилган. Колумбия университетидан ҳуқуқшунослика ўқиганидан сўнг ҳам Картагенда “Геральдо” газетаси доимий руқини олиб боради. Франц Кафка ижодидан илҳомланиб ҳикоялар ёзади. 1954 йили эса яна Боготага келиб, “Кузатувчи”да ишнинг давом эттиради. Европа нашрларида, Кубанинг “Пренса Латина” агентлигида ишлайди. Меҳикога қайтиб, мақола ва сценарийлар ёзиш билан машғул бўлади.

Г.Маркес Лотин Америкаси газеталари муҳбири сифатида Европанинг кўплаб мамлакатларини айланиб чиққан, муҳбирлик адабий иқтидорини чархлаган. “Полковникка ҳеч ким ёзмапти”, “Сарғиш япроқлар”, “Шум лаҳза” асарлари уни жиддий ёзувчи сифатида танитган бўлса, “магик реализмга” асос солган “Ёлғизликнинг юз йили” романи Лотин Америка насрининг юксак намунаси сифатида эътироф этилиб, қатор адабий мукофотлар билан сийланган. Колумбия университети фахрий докторлигига сайланди. Пиночет диктаторлик қилган 1975-1981 йилларда Г.Маркес Испаниядан қайтиб, сўра йўналишидаги “Альтернатива” газетини чоп этиш бошлади ва сиёсий журналистика билан шуғулланади. “Патриархнинг кузи”, “Эълон қилинган ўлим хроникаси” асарларида романчиликдаги шаклий изланишларни намоён этишга муваффақ бўлади. “Қанча саяҳат қилма, барибир, энг яхши воқеа кутилмаганда юз беради”, деган эътиқодга амал қилиб яшаган адиб 1982 йили ҳаётини фантазия ва реаллик уйғунлигида акс эттирган асарлари учун Нобел мукофоти билан тақдирланди.

Кавабата олами

Муҳбирлик бадиий ижоди шаклланишида алоҳида аҳамият касб этган машҳур адиблардан яна бири Ясунари Кавабата (1899-1972) бўлиб, у “Майнити симбун” ва бошқа газеталар, адабий журналларда фаолият олиб борган. Адиб барча яқин қариндошлари бевақт вафот этиб кетгани ҳамда уруш жароҳатлари ижодига жиддий таъсир кўрсатганини кўп бора эътироф этган. “Минг қанотли турна”, “Қор мамлақати”, “Тоғлар нола-си”, “Мейдзин” каби жаҳоннинг кўплаб тиллари-га ўғирилган роман ва қиссалари учун 1968 йили Нобел мукофоти билан тақдирланган. Ҳозир Японияда Ясунари Кавабата номида адабий мукофот таъсис этилган.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

ҲОМИЙ:
“МАТБУОТ ТАРКАТУВЧИ”
АКЦИЈДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ



O'zbekiston
adabiyoti va san'ati

Манзилмиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93
Электрон манзилмиз: info@uzas.uz, uzas@mc.uz

Таъқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86 Санъат бўлими: 233-56-40
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42 Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош

муҳаррир
Сирожиддин
САЙИД

Тахририятга келган кўлэмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Санжар ТУРСУНОВ
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 18.46

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақам
билан рўйхатга олинган. Адаби — 6178 Буюртма Г — 657. Ҳажми — 3 босма табион А-2.
Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ.



СОТУВДА НАРХИ
ЭРКИН.

ISSN 2381-614X

